*Эрурсен шоҳ, агар огоҳ сен-сен, Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен!*

# Хабар

XABAR

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 12 июнь 23 (303) ● Сотувда нархи эркин

## АСПИРАНТЛАР МАРКАЗИНИНГ КЕЛАЖАГИ

**Европа ҳамкорлик комиссияси 1996 йилда институт таклиф этган аспирантлар фаолиятини яхшилашга қаратилган лойиҳани кўриб чиқиб, 1997 йилдан бошлаб мазкур лойиҳа бўйича ёрдам кўрсатиш режаларини ишлаб чиққан ва уни институтимизда амалга ошира бошлаган эди. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида аспирантларнинг илмий раҳбарларини хорижга юбориш, аспирантларни Бельгия ўқув марказларида малакасини ошириш ва замонавий техника билан таништириш, хорижий институтларнинг ўқитувчиларини институтимизга маърузалар ўқиш ва тажрибалар намойиш этишга таклиф этиш кўзда тутилган эди. Ҳаммаси бўлиб уч йиллик режага 700 минг ЭКЮдан зиёд маблағ ажратилган.**

Бу режаларни рўёбга чиқариш мақсадида «Падител» лойиҳасига мос равишда аспирантлар марказида қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим эди.

— чет эллар адабиёти кутубхонаси ташкил этиш;

— замонавий компьютер синфини тузиш ва уни «Интернет» тармоғига улаш;

— видео ўқув зали ташкил этиш;

— ксеротехника хонасини очиш;

— лингафон синфини тузиш.

Эндиликда ушбу масалани ҳал қилиш учун хоналар ажратилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Аспирантлар кутубхонасига икки йил мобайнида сал кам тўрт минг долларлик китоблар чет элдан ва Москвадан олиб келинди. Бу янги кутубхона техникага дахлдор, инглиз ва рус тилларидаги янги китоблар, журналлар ва бошқа адабиётлардан иборатдир.

Компьютер синфига бешта PENTIUM, 1 PENTIUM PRO русумидаги шахсий ЭҲМ олиниб, улар «Интернет» тармоғига уланди. Яна бешта ЭҲМ олиниши ва тармоққа уланиши кутилмоқда. Хорижлик ўқитувчилар аспирантлар билан машғулотлар ўтказиб, тармоқда ишлаш усуллари ва Window-95 нинг имкониятлари билан таништирмоқдалар. Аспирантлар маълум тартибда ЭҲМдан фойдаланиш ва чет эл абонентлари билан мулоқотда бўлиш, янги адабиётлар ҳақида маълумотлар олиш, ҳисоб-китоб ишларини ЭҲМда бажариш имкониятига эга бўлишмоқда.

Видео ўқув хонасида эса замонавий алоқа технологиясининг ишлаш усуллари ва назарияси маъруза тарзида видеокассетага ёзилган бўлиб, СД-РОМлар ёрдамида ЭҲМда мультимедиа режимида намойиш этилади. Натижада катта ҳажмдаги ахборот ўқувчига қулай тарзда етказилади.

СД-РОМларда ва аудио кассетада эса инглиз тили дарслари ёзилган. Аспирантлар тилни чуқур ўзлаштириш учун махсус дарсликдан ксерокопиялар олиб, фойдаланиш имконига эга бўладилар. Ҳар бир аспирант йил давомида 150 вараққача ксерокопияни текин олиш имконига эга. Келажакда бу марказда аспирантлар учун тажрибахоналар, устахона-синов майдонлари, аспирантларнинг жиҳозланган иш жойлари бўлиб, янги ахборот технологияларни ҳам қўллаш муаммоларини ҳал этиш кўзда тутилади.

ТАСИСнинг «ПАДИТЕЛ» дастурига биноан 1997 йил июнь ойида 22 аспирант раҳбарлари ва аспирантлар Бельгияда хизмат сафарида бўлдилар, замонавий алоқа технологияси билан танишиб қайтдилар.

Янги алоқа тизимлари билан танишиш, улардаги алгоритмлар ва схемотехник ечимларни ўрганиш, янги назарий билимларни ўзлаштириш қатнашувчилар учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлди.

Сентябрь ойида тўрт аспирант Бельгияда, кейинроқ икки аспирант Грецияда хизмат сафарида бўлишди, декабрда эса яна ўнта аспирант-стажер (бештаси — «Интернет» алоқа тармоғи бўйича, яна бештаси — рақамли оптик алоқа тизимлари йўналишида) икки ҳафта мобайнида таҳсил олиб қайтдилар.

1998 йил январь ойида тўртта аспирант Бельгияга юборилди, март ойида эса яна учта аспирант Грецияга уч ой муддатга бориб келдилар.

1998 йил сентябрь ойида эса Бельгияга яна тўрт аспирант уч ойга бориб қайтиш, диссертация бўйича адабиёт танлаш, чет эл кутубхоналарида ишлаш ва керакли илмий маслаҳатлар олиш имкониятига эга бўладилар. Мазкур хизмат сафари унумли ва сермазмун ўтиши учун аспирант ва стажернинг илмий раҳбарлари пухта режалар тузишлари ва бу режалар ИТКда муҳокамадан ўтиши, улар қайтгандан сўнг яна кафедра ва ИТК муҳокамаларида ўз ҳисоботларини беришлари лозим.

Бу йил институт инглиз тили кафедрасидан учта ўқитувчини бир ойлик стажировкага юборди, улардан яна учтаси июнь ойида ва кейинги иккитаси эса июль ойларида икки ҳафтадан Бельгия техник университетида чет тили ўқитишнинг янги усулларини ўрганиб, ўз фаолиятларида янги ахборот технологиясини қўллашга шай бўлиб қайтадилар.

Зеро, аспирантларимиз хорижий техник китоблар ва илмий мақолаларни инглиз тилида бемалол мутолаа қиладиган даражада бўлишлари шарт. Инглиз тилини яхши ўзлаштирган аспирантларга 25-50 фоизгача қўшимча стипендия тўлаш кўзда тутилади.

Аспирант ва докторантларнинг инглиз тилидаги мақолаларини (ҳозирча йигирма бешта мақола йиғилган) Бельгия техника университети илмий асарлари тўпламида чоп этиш келишиб олинган, келажакда эса телекомммуникациянинг янги йўналишларига доир луғатлар чиқариш мўлжалланмоқда.

Ўтган бир йилдан зиёдроқ вақт ичида институт аспирантлари ва иқтидорли талабаларига Бельгия ва Греция университети профессорлари бир қатор маърузалар ўқидилар, янги компьютерларда амалий машғулотлар ўтказдилар.

Иқтидорли ёшларимизнинг билимини тест усулида ғарбий университет профессорлари томонидан текширилганда, 50 талабадан 13 таси тўрт ёки беш баҳоларга жавоб бердилар. Бу натижа ёшларимизда янги технологияга бўлган интилиш, адабиётни ўзлаштириш ва ўз соҳасига қизиқиш кучли эканлигидан дарак беради.

«Интернет» тармоғига тизимларни улаш, уларни ўқувчиларга намойиш этиш, тармоқни ривожлантириш ва самарали фойдаланиш масалалари Антверпен техника олий мактабининг профессорлари Р. Стайерс ва Ш. Филлипслар томонидан олиб борилмоқда. Улар май ойида бизнинг марказга тўртинчи маротаба келиб, тармоққа яна модемлар орқали қўшимча яна бешта мультимедиа тизимларини улаб беришди.

Улар ўзларининг катта тажрибаларини ёшларга етказиш мақсадида аспирантлар билан амалий машғулотлар ҳам ўтказишади.

Хорижий мутахассисларнинг дарсларида тўртта факультетнинг иқтидорли гуруҳларидаги талабалар ҳам қатнашишади. Улар замонавий телекоммуникация технологиясидан хабардор бўлишдан ташқари ўз ижодий тафаккурларини кенгайтиришади, хорижда янги ишлаб чиқилаётган техника ҳамда жаҳондаги алоқа тизимларига киритилаётган янги стандартлар ва алгоритмлар билан танишадилар, татбиқ этиш усулларини ўзлаштирадилар.

Институт аспирантлари ва ўқитувчилари хорижий университетларнинг ўқитувчилари билан самарали ҳамкорликни давом эттирадилар, ўзаро тажриба алмашадилар ва қўшма корхоналар яратиш, республикага зарур бўлган мутахассисларни тайёрлашда фаол қатнашадилар деган умиддамиз.

***Мажидулла ОРИПОВ,***
***ТЭАИ проректори,***
***профессор***

---

*● Фахрийлар — фахримиз*

## ИБРАТЛИ АНЪАНА

«Данғара почтаси» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти билан касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда алоқа хизматида узоқ йиллар меҳнат қилган инсонларга алоҳида эътибор бериши анъанага айланиб қолган. Ўтган икки йил мобайнида Йўлдошали Пўлатов, Мўминжон Маматов, Давлатбой Ортиқовлар тантанали равишда нафақага кузатилди.

Давлатбой ака Жўрабоев ҳам Арзиктепа алоқа бўлимини узоқ йиллардан бери бошқариб келади. Ўзининг беминнат, самарали меҳнати билан у арзиктепаликларнинг азиз кишисига айланиб қолган. Яқинда қишлоқ марказидаги Маънавият уйида Давлатбой ака Жўрабоевнинг муборак 50 ёши нишонланди. Туман ҳокими Абдураҳим Норқўзиев алоқачини таваллуд айёми билан табриклади ва унга ҳокимлик номидан гилам совға қилди.

«Данғара почтаси» ҳиссадорлик жамияти бошлиғи Муқимжон Мамиталиев ҳам алоқачилар номидан Давлатбой Жўрабоевни қутлади, унга қимматбаҳо совға топширди.

***Қаюмжон ТУРСУНОВ,***
***Фарғона вилояти***



---

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар**

***● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Остона шаҳрига ташриф буюриб, туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ҳамда халқаро жамоатчиликни Қозоғистоннинг янги пойтахти билан таништириш маросимида иштирок этди.***

*● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва Ўзбекистонда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.*

***● «Тафаккур» журналининг 2-сони нашрдан чиқди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг журнал бош муҳаррири саволларига жавоблари эълон қилинган. Суҳбатда жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, тарихимиз ва келажагимиз билан боғлиқ долзарб масалалар, бугунги кунда замон ўртага қўяётган янги-янги муаммолар ҳақида давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ўз аксини топган.***

*● Тожикистон президенти Имомали Раҳмонов ҳамда мухолифат раҳбари Саид Абдулло Нурий диний партиялар хусусида баҳсни ҳал этиш мақсадида комиссия тузишга келишишган. Бу комиссия ҳукумат ва мухолифат аъзоларидан тузилиб, 20 кун ичида ўз хулосаларини ҳукуматга етказиши керак.*

***● Канаданинг «Кумтор Оперейтинг Компани» компаниясига қарашли юк машинасидан тўкилган цианид натрий оқибатида Иссиққўлга ва одамлар ҳаётига катта зарар келтирилган эди. Канадаликлар томонидан етказилган зарар ҳозирча 200 миллион қирғиз сўми ҳажмида деб баҳоланмоқда.***

---

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

**«ХАБАР» газетасига иккинчи ярим йиллик учун обуна давом этмоқда.**

**ОБУНА БАҲОСИ:**

**Якка тартибдаги обуначилар учун:**
**1 ойга 40 сўм, 3 ойга 120 сўм, 6 ойга 240 сўм.**
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 227.**

**Ташкилот ва корхоналар учун:**
**1 ойга 50 сўм, 3 ойга 150 сўм, 6 ойга 300 сўм.**
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 228.**

**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР, «ХАБАР» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!**

# ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ...

**Дунёга машҳур фирма ва компанияларнинг алоқа жиҳозлари республикамиз телекоммуникация тармоқларида тобора кўпроқ қўлланмоқда. Бу жиҳозларни замона талаби даражасида ишлата билиш учун мутахассисларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш лозим. Шу боис ҳам Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги иқтидорли ва истиқболли ёшларни соҳага жалб қилиш, ҳар томонлама баркамол мутахассислар тайёрлаш ишига катта аҳамият бериб келмоқда. Мамнуният билан айтиш мумкинки, ана шундай мутахассислар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Шулардан бири Тошкентдаги Мирзо Улуғбек телефон тармоғи тасарруфидаги 1-62 АТС муҳандиси Шухрат Мавлоновдир.**

**— Шухратжон, алоқачилик касбини танлашингизга нималар сабаб бўлган?**

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда аниқ фанларга, электротехника, электроника, компьютерларга қизиқар эдим. Шу боис ҳам мактабни тугатгач, Тошкент электротехника Алоқа институтига ўқишга кирдим. Оиламизда мен ҳозирча биринчи ва ягона алоқачиман. Онам ҳамшира, отам «Фотон» заводида цех бошлиғи бўлиб ишлашади.

Институтни 1993 йили тугатдим. Армияга чақиришди. Алоқачи зобит бўлиб хизмат қилдим. Хизмат муддати тугагач, АТСда иш бошладим. Назаримда, ёшим катталашган сари касбимга бўлган қизиқиш ҳам улғайиб бормоқда. Умуман танлаган касбим, қилаётган ишимдан жуда мамнунман.

**— Одатда электрон АТСга муҳандис бўлиш учун махсус тайёргарлик кўриш лозим бўлади. Сиз шу ҳақда нима дейсиз?**

— Институтда олган билимларимиз билан бундай мураккаб АТСларда мустақил ишлаш анча қийин. Сабаби ҳар бир АТСнинг, айниқса электрон АТСларнинг ўзига хос томонлари борки, уларни билиш учун махсус тайёргарлик кўриш керак бўлади. Бизнинг станциямиз жиҳозлари Германиянинг «Сименс» фирмасининг EWSD русумидаги АТСидир. Шунинг учун ҳам Германияда шу фирманинг ўқув марказида ўзбекистонлик бир гуруҳ ёш муҳандислар қатори мен ҳам бир ой ўқиб келдим. Ўқув марказида билим олиш, тажриба орттириш учун барча имкониятлар мавжуд. У ерда жаҳоннинг тўққиз тилида машғулотлар олиб борилар экан. Тилни танлаш ихтиёрий. Бизнинг ўқитувчимиз асли украиналик экан. Машғулотлар рус тилида ўтказилди. Деярли қийналганимиз йўқ. Германиянинг телефон тармоқларида ҳам бундай станциялар кўп экан. Амалда ишлаб турган станцияларга бордик. Ўқиш тугагач, жаҳон андозалари даражасидаги сертификат беришди.

АТСда беш киши — мен ва тўртта навбатчи муҳандислар ишлаймиз. Ҳозир бир муҳандисимиз ўзимизнинг Алоқа институтимизда икки ойлик малака ошириш курсида таҳсил оляпти. Қолганлар ҳам шу тариқа малакаларини ошириб боришади.

**— АТСингиз жиҳозлари «Сименс» фирмасидан келтирилган экан. Улар бошқа фирмалар маҳсулотларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?**

— Аввало шуни айтиш кераки, 1-62 АТС «Сименс» фирмаси ўрнатган Тошкентдаги биринчи АТСдир. Биздан кейин 1-91, 1-95, 1-97 АТСларда ҳам шу фирма жиҳозлари ўрнатилди. Нега айнан бизда биринчи бўлиб «Сименс» жиҳозлари ўрнатилганининг асл сабабларини аниқ билмайман.

Бошлиғимиз янги техника, технологияга жуда қизиқувчан, тадбиркор ва ниҳоятда талабчан одам. Бу борада у кишининг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинган бўлиши керак, албатта. Иккинчи томондан, Тошкентдаги дастлабки электрон АТСлар — 1-36, 1-33 ва 1-44 станцияларда Германиянинг «Алкатель» фирмаси ускуналари ўрнатилди. Электрон АТСларни ўрнатиш, ишлатиш борасида маълум тажриба орттирилди. Қолаверса, «Сименс» фирмасининг Тошкент алоқачилари билан 1904 йилдаёқ бошланган ҳамкорлиги ҳали ҳануз давом этиб келмоқда.

«Алкатель» ускуналарини камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, «Сименс» жиҳозларининг ток манбаларидаги кучланишнинг ўзгаришидан ҳимояланиш даражасининг юқорилиги, тез ишловчи дастурий таъминоти, маълумотларни зудлик билан ўзгартириш мумкинлиги каби афзалликлари ҳам бор. Шуларнинг ҳаммаси айнан «Сименс» жиҳозларини ўрнатишга сабаб бўлган бўлиши мумкин.

**— Келгуси режаларингиз қандай?**

— Германиядан ўқишни битириб келганимдан сўнг «харидорлар» кўпайиб қолишди. Уяли алоқа хизматига ҳам таклиф қилишди. У ерда ишлаш баъзилар учун хаёлий орзу бўлса ҳам мен рад этдим. Кўриб турибсиз — АТСда ишлаяпман.

АТСимизнинг барча ҳужжатлари, тушунтириш матнлари инглиз тилида, фақат фавқулодда ҳодиса бўлиши мумкин бўлган вазиятларгина рус тилида ёзилган. Шу боис ҳам шаҳар телефон тармоғи қошида ташкил этилган бир ойлик инглиз тили курсини тугатдим. Ҳозир уйда синглим билан инглиз тилини ўрганишни давом эттираяпмиз. Менга қараб бир укам билан синглимда ҳам алоқачиликка қизиқиш уйғона бошлади. Жияним алоқа ўқув юртига ўқишга кирди. Оилада олти фарзанднинг ичида энг каттаси бўлганим учун энди ўзим ҳам укаларим ва сингилларим олдида қандайдир масъулият сезаяпман.

Электроника соҳаси кун сайин ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Орқада қолмаслик учун эса соҳадаги барча янгиликлар билан мунтазам танишиб, ўрганиб бориш керак. Шунга ҳаракат қилаяпман. Олдинда эса улкан орзуларим бор.

***Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ суҳбатлашди***

# МИЖОЗЛАР ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНИБ

Бундан бир неча йил олдин Термиз туманида почта хизматидан рози бўлган одамни камдан кам топардингиз. Бу орада почта боғламасидаги масъул шахслар хизмат вазифаларини суиистеъмол қилганлиги ҳақидаги нохуш сўзлар бутун вилоятга тарқалиб кетганлиги ҳам сир эмас. Бу нохушликлар «Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамияти раҳбарларини анча ўйлантириб қўйди. Нима қилмоқ керак? Кўпчиликдан яхши фикр чиқди. Бошқармада ишлаб турган Ўрол Дўлмонов «Сурхондарё почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Учқизил филиалига бошлиқ қилиб тайинланди.

Янги раҳбар ишни меҳнат интизомини яхшилашдан бошлади. Интизомни бузувчи, масъулиятни ҳис қилмайдиган кишиларга нисбатан кескин чоралар кўрди, ўрни келса ишдан бўшатди. Илгари Учқизил почта корхонаси ёнида тўда-тўда бўлиб турган кексаларни, нафақачи аёлларни учратиш мумкин эди. Улар нафақаларини ўз вақтида олишни талаб қилишар эди. Туман ҳокимлигида янги раҳбарга бу ҳақда эслатишди. Ўрол Хўжаназарович тегишли ташкилотлар билан алоқани яхшилади, елиб югурди. Қисқа вақтда нафақачиларга нафақалари ойма-ой берилиши йўлга қўйилди.

Яна бир нарса юракни хижил қилиб турарди. Нафақа, газета-журналлар, хат-хабарларни жойларга етказиш учун турли ташкилотлардан ижарага автомашина олинарди. Бу автомашина гоҳ келиб, гоҳ келмай қоларди. Натижада нафақа пуллари, газета ва хат-хабарлар жойларга кечикиб етказиларди. Бунинг устига ижарадаги машина учун кунига пул тўлаш керак. Корхона раҳбари ана шу ҳақда бош қотирди ва йўлини топди. Ташкилотга қарашли машина созланди. Натижада ташкилотлардан ижарага машина олишга барҳам берилди, маблағ тежаладиган бўлди. Жойларга нафақа пулларини бехавотир етказиш учун туман ички ишлар бўлимидан қуролли соқчи таклиф қилинди. Бу эса турли хавотирликларга чек қўйди.

## • Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

— Халқнинг хизматида бўлиш, оғирини енгил қилиш, дуосини олиш, ҳурматини қозониш осон иш эмас, — дейди Ўрол Хўжаназарович. — Бунинг учун раҳбардан тортиб оддий ходимгача масъулиятни тўла ҳис қилмоғи керак. Айтиш мумкинки, жамоамизда ишлаётганлар ана шу масъулиятни чуқур сезадилар. «Кафтархона», «Намуна», «Намуна-1», «Саловат», «Паттакесар» алоқа бўлимлари бошлиқлари Рўзибой Пайғамов, Расул Сиддиқов, Менглигул Юсупова, Дилором Хўшшиева, Турсуной Жўраевалар тадбиркорлик билан ишни ташкил қилишмоқда. Учқизил қўрғони ва ён-атрофидаги қишлоқларда яшовчи нафақачиларга хизмат кўрсатишда Патилахон Азимованинг хизмати катта бўляпти. Ҳар бир мижоз Патилахондан мамнун бўлиб кетади. Чунки у биринчи навбатда ўта муҳтожлар, ногиронлар ва қаровчисини йўқотганларнинг ҳожатини чиқаради. Шунингдек, сараловчи И. Хўжақулов, почтачилар Г. Фархисламова, Ш. Абдуллаев, Р. Бобоевларнинг хонадонлар ва ташкилотларга матбуот нашрлари, хат-хабарларни ўз вақтида етказишидан мижозлар хурсанд.

Ўрол Хўжаназаровичнинг олдидан қайтар эканман, нафақачи Мусурмонкул бобо, Мурод бобolар билан суҳбатлашиб қолдим. Улар «Ўрол келгандан буён нафақаларимизни ўз вақтида оладиган бўлдик. Унга ва шу ерда жон койитиб юрганларнинг ота-оналарига раҳмат. Доимо омон бўлишсин», — дейишди. Элнинг дуосини олиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

***Раҳим ТЎРАҚУЛОВ, Сурхондарё вилояти***



**Саъдулло РАСУЛОВ Бухородаги марказий АТСнинг жиҳозларини янги электрон АТСларига алмаштириш ишларида фаол қатнашди. Бугунги кунда ҳам етакчи муҳандис С. Расулов АТС бошқарув марказидан туриб станция жиҳозлари ишини назорат қилиб боради.**

*Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат*

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси агентлик почта алоқаси бўлими бошлиғи **Матлуба Саъдуллаевна АЪЗАМҚУЛОВА**ни 50 ёши билан табриклаб, унга узоқ умр, мустаҳкам соғлик тилайди.

* * *

«Тошкент телеком» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси Янгийўл шаҳар филиали директори **Жумабой Амирович БЎТАЕВ**ни муборак 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва алоқа соҳасидаги ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

# ИЛҒОРЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚДА

«Тошкент почтаси» ҳиссадорлик жамияти Қибрай филиалининг ўттизта алоқа бўлими кўп йилдан бери таъмирланмаган эди. Маъмуриятимиз жойларда ҳар бир бўлимни ўз кучлари билан таъмирлашга келишиб олди. Қипчоқ, Тузель, Чинобод-1, Оқ олтин, Дўрмон алоқа бўлимларида анчагина таъмирлаш ишлари бажариб қўйилди. Маълумки, бугунги кунда почтачилар фақатгина газета-журнал, хат-хабарлар етказиб бериш билан чекланиб қолмасдан, ҳар хил тўловлар йиғишни ҳам бажаришмоқда. Филиалимизда ана шу тўловлар қатори аҳолидан газ учун тўловларни йиғиш ҳам йўлга қўйилди. Аввалига почтачиларимиз бироз қийналишди. Аҳоли орасида тушунтириш, тарғибот ишларини кенг йўлга қўйганимиз боис, тўловлар миқдори кўпая бошлади. Муҳими, одамлар ходимларимизга тўлов пулларини ишониб топширадиган бўлишди. Айни пайтда электр қуввати, ичимлик сув, телефондан фойдаланганлик учун тўловларни хонадонлардан бориб оляпмиз.

Ноанъанавий хизмат тури—тўловларни йиғишда фаол иштирок этган алоқа бўлими бошлиқлари ва почтачиларни рағбатлантириб боряпмиз. Ҳар ойнинг якунида барча алоқа бўлимлари йиққан пул миқдори солиштириб чиқилади ва илғорлар мукофотланади. Масъулиятни ҳис қилган, рағбатлантирилган ходим янада жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилади.

Арғин, Бурота, Дўрмон, Лимончилик, Май, Маданият, Гулзор алоқа бўлим бошлиқлари Н. Айдарова, Ж. Исоқулова, С. Маннопова, З. Малышенко, М. Эрматова, Ш. Саримсоқова, Ш. Турсунова каби почтачиларимиз олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовордир.

***С. ИСМАТУЛЛАЕВ, «Тошкент почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Қибрай филиали бошлиғи***

## • Алоқа матбуот кўзгусида

### ЖАЗОЛАШ КЕРАКМИ ЁКИ ТАҚДИРЛАШ

Германиянинг Фрайбург вилояти почта бўлими раҳбарияти бу жумбоқни қандай ечишга ҳайрон.

Қуролланган уч қароқчи ярим тунда шу почтанинг хазиначисидан темир эшикни очиб беришни талаб қилиб, қистовга олишди. Қўрқувдан қалт-қалт титраган хазиначи ҳамма нарсани топшириш ва очиб беришга тайёрлиги, бироқ тушлик вақтида калитлар уйда қолганини айтди. Чорасиз қолган қароқчилар жуфтакни ростлаб қолишди.

Эндиликда почта раҳбарияти хазиначини масъулиятсизлик билан уйида калитларни қолдирганлиги учун жазолаш керакми ёки жамғарма пулларини сақлаб қолгани учун тақдирлаш керакми, деган савол устида бош қотиришмоқда.

### КАБУТАРЛАР ЖАСОРАТИ

1942 йилнинг баҳорида фашистлар инглиз сув ости кемасини чуқурлик бомбалари билан шикастлайди. Бир жуфт кабутар денгизчиларнинг жонига аро киради. Гап шундаки, денгизчилар кабутарларни мўъжаз капсулага жойлаб, торпедо аппарати орқали сув юзасига қараб отишди. Сув юзасида довул қутурар, ўркачли тўлқинлар, шиддатли шамол кабутарларни ўз домига тортиши ҳеч гап эмасди. Не бахтки, кабутарлар флот базасига етиб боришади ва сув ости кемаси аъзолари қутқариб қолиндилар. Қанотли алоқачиларга эса ҳайкал қўйишди.

Республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент радиомаркази жамоаси меҳнат фахрийси

**Ирина Павловна ЗАТОКОВЕНКО**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ЙИРОҚЛАРДА МИЛТИЛЛАР ТУННИНГ ИСИРҒАЛАРИ

Икром ИСКАНДАР ажиб ва ҳароратли шеърлар ёзади. У 1972 йили Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманининг Авлиё қишлоғида туғилган. Ҳозир «Маърифат» газетасида масъул котиб вазифасида хизмат қиляпти. Икромнинг «Ойнинг ичидаги одам» ва «Баҳорни излайман» номли шеърий китоблари чоп этилган.

***

Бўйқизгина, кун нурида чувоқлайсан,
Бу ҳуснингда офтобни ҳам сувоқлайсан.
Кулгуларинг — чўчиб учган кафтарларга
Сочиш учун юракларни увоқлайсан.

Қуртаклардан, боғдан яшил бод келади,
Боғ ортидан, бод қаъридан дод келади.

Товонингни қитиғлайди ғўра майса,
Сочларингга рўмол-пўмол ўрамайсан,
Чорбоғингнинг дарчасидан ташқарига
Мўралайсан, онангдан ҳам сўрамайсан.

Ташқаридан дупир-дупир от келади,
Ўзингни ол, от ўйнатиб ёт келади.

Овулингнинг оловисан, овунасан,
Қачон бедард шўхликлардан совунасан,
Токай тунлар вужудингга соғинчлармас,
Фақатгина чарчоқларни ёвунасан?

Деразангни чертиб-чертиб бодлар келар,
Улув тортиб бод қаърида додлар келар.

Тонгда додлар паст келганда наволардан,
Симириб қол таниш ҳиддан, ҳаволардан.
Ўткан-кетган бош суқади уйларингга,
Тотиш учун тўйга келган ҳалволардан.

Ташқарида дупир-дупир отлар келар,
Чиқиб юрма, от ўйнатиб ётлар келар.

***

Бўйи
сановбар, гулгуним,
кўнглимнинг боғини кезмаган
шамолдан олади улгуни —
Гўйиё ҳолимни сезмаган

кўйи
сайр этар боғини,
бошини мен томон эгмайди.
Тупроқдай хор бўлгим соғиниб,
товони бағримга тегмайди...

Бўйи
атиргул, гулгуним,
гирдо-гирд таралар, сочилар.
Касб этар ўзига кулгуни
кулади — гуллари очилар.

Ўйи
қуйилар бул куним
юрагим лим тўлган косадир...
Қачон бул косадан гулгуним
гуллари чанқоғим босади?

## ЭНДИ ЭСА...

I

Нечук нажиб тун эди — сочларинг шалолоси
каби қуюқ ва қора — теграмга қуюлганди,
тутганмиди фалакни ишқимнинг оҳ-воласи,
юлдузлар ҳам яқиндай, чақиндай туюлганди.

Ёнимда эдинг, жоним, чеҳрангда балқирди ой,
Ёритарди кўзимни сим-сим оққан шуъласи.
Нигоҳимни оқизиб борар эди бир чирой,
бир сочранг тун ва тошқин севгининг ашуласи...

Энди эса... сенингсиз кезар эканман ҳар дам,
бул бўм-бўш кўчаларда нигоҳим сирғалади.
Ой фаромуш ҳолимга мўралар узоқлардан,
йироқларда милтиллар туннинг исирғалари.

II

Қишнинг илиқ ўртасида тасодифан гуллаган
бодом янглиғ юрагимнинг шарорига талпинган
гулим, бодраб очилгандинг кўз ўнгимда, кўксимда,
мен ҳам туйқус шамол янглиғ кириб бордим қалбингга.

Қаҳратонда, бир лаҳзада баҳорларни яшадик.
Бу бир лаҳза умримизга етадиган жавриди
сароблларнинг, зеро, лаҳза тезда ўтди. Тугади
тасодифий илиқликнинг муваққат бир мавриди.

Энди эса... Хотиралар аро тентиб кезганда
теграмизда «салом»дан ҳам қисқа, совуқ, «хайр»лар
эсар экан, илинамиз бир милтироқ юпанчга:
тасодифан учрашганлар тасодифий айрилар.

*Икром ИСКАНДАР*

# УЛЬТРАТОВУШЛАР ЁРДАМИ БИЛАН

Одам товушнинг бир секундда 16-20 минггача бўлган тебранишини эшитиши мумкин. Ундан бошқасини эшитиб бўлмайди. Бундай эшитиб бўлмайдиганларини ультратовуш дейилади.

Маълум бўлишича, кўршапалак тўсиққа яқинлаша борган сари ўша томонга тобора тез-тез ультратовуш сигналлари юбориб, яъни қарийб 50 минг герц частотали товушлар чиқариб, уларнинг акс-садосини сезгир эшитиш аъзолари орқали қабул қилиб оларкан. Кўршапалакдаги эшитиш аъзоларининг худди шу хусусияти унинг фазода эркин парвоз қилишига имкон беради.

## • Биласизми?

Кўпгина ҳайвонлар ҳам ультратовушларни яхши эшитади. Масалан, итларни олайлик. Уларнинг одам эшитмайдиган товушларни эшитиш қобилиятидан циркда ҳар хил томошалар кўрсатишда фойдаланилади.

Чунончи, ультратовушлар итларга цирк майдонида оддийроқ арифметик масалаларни «ечиш» учун ёрдам беради. Албатта, бунда ит ўз эгасининг бирор жойига (айтайлик, чўнтагига) яширган хуштагидан чиққан сигналларни эшитгандан кейингина тегишли рақамни олиб беради.

*А. АЛИЕВ тайёрлади*



# ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

Судья гувоҳдан сўради:
— Ёлғон гувоҳлик учун қанча берилишини биласизми?
— Биламан, жаноб, минг доллар атрофида ваъда қилишувди.

***

Журналист милиция ходими билан суҳбатлашарди:
— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?
— Хизмат пайтидами ёки умуманми?

***

Машинасида соатига икки юз километр тезликда учиб бораётган «янги ўрис» ҳайдовчисидан сўради:
— Қизиқ, мабодо машинанинг ғилдираги чиқиб кетса нима бўлади?
— Жин ҳам урмайди — менда бошқаси бор.

***

Янги ишга келган ходим эски дорихоначидан сўради:
— Мана бу қутидаги дориларни нега алоҳида ажратиб қўйдингиз?
— Мен буларни дўхтирларнинг буюртмасини ўқий олмаганимда тарқатаман.

***

— Эшитишимча, хотинингга карта ўйнашни ўргатганмишсан. Битта хонадонга иккита қиморбоз кўплик қилмасмикан?
— Йўқ, мен тўғри қилганман. Масалан, кеча ундан маошимнинг ярмини ютиб олдим.

*Абдулла АВЛОНИЙ*

# АХЛОҚ

Инсонларни яхшиликға чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур.

Ахлоқ илмини ўқиб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби ҳақ на учун ҳақ қилганини, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ўз айбини билуб, иқрор қилуб, тузатмакға саъй ва кўшиш қилган киши чин баҳодир ва паҳлавон кишидур. Расули акрам набийййи муҳтарам афандимиз «Мезон тарозусига қўйиладурган амалларнинг ичида яхши хулқдан оғирроқи йўқдур. Мўъмин банда яхши хулқи сабабли кечаси уҳламасдан, кундузлари рўза тутуб ибодат қилган кишилар даражасига етар», демишлар.

**• Мерос**

**Сўйласанг сўйла яхши**
**сўзлардан,**
**Йўқса жим турмоқинг**
**эрур яхши.**
**Ўйласанг яхши фикрлар**
**ўйла,**
**Йўқса гунг бўлмоқинг**
**эрур яхши.**
**Ишласанг ишла яхши**
**ишларни,**
**Йўқса бекорлиғинг**
**эрур яхши.**

# ХУЛҚ

Инсон икки нарсадан мураккабдур. Бири жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айирур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур. Жасаднинг сурати ҳаммага маълум бир нарсадурки, ҳар вақт кўзга кўриниб турадур. Аммо нафснинг сурати кўзга кўринмайдурган, ақл ила ўлчанадурган бир нарсадурки, буни хулқ деб аталур. Агар бир киши ёшлигида нафси бузулуб тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, «аллоҳу акбар», бундай кишилардан яхшилик кутмак ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабидур. Расули акрам набийййи муҳтарам саллоллоҳу алайҳи васаллам афандимиз:

«Бир тоғнинг ўрнидан кўчиб кетганини эшитсангиз, ишонингиз, аммо бир одамнинг хулқи бошқа бўлди деб эшитсангиз, ишонмангиз», — демишлар.

**Хулқи ёмон юз,**
**кўзлидин на суд,**
**Юз, кўзли хулқни**
**қилмас кашуд.**
**Хулқ маризига,**
**даво истасанг,**
**Марг давосин берилур**
**қистасанг.**

**Хулқи ёмон келтирар**
**кўп зарар,**
**Хулқинг ўзи бошингга**
**калтак урар,**
**Хулқи фано бўлса дегил**
**алҳазар,**
**Хору залилликда қолур**
**дарбадар.**

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги
•
Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
•
Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0125. 12895 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*Босишга топширилди — 18.00*
*Босишга топшириш вақти— 21.00*
1 2 3 4 5 6

